

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАТЕНТИНИНГ
АМАЛ ҚИЛИШИНИ УЗАЙТИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 сентябрда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1793-1]**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 мартдаги 13-сон буйруғи (2008 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1793) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 123-модда) билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
32-сон

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26
августдаги 32-сон буйруғига
ИЛОВА

**Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини
узайтириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (кейинги ўринларда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банддаги «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 12-банддаги «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал

мулк агентлиги», 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 421-модда)